



Қизириқ ва Бандиҳон туманларида ғўза ҳамда ғалла парвариши ишлари танқидий муҳокама қилинди




Баҳорнинг айни кунлар қишлоқ хўжалигига, хусусан, ғалла ва ғўза ривожида муҳим палла ҳисобланади. Шу сабабли ҳудудларда бу борада амалга оширилаётган ишлар мутахассислар иштирокида мунатazzам ўрганилиб, натижалари танқидий қилиб борилмоқда. Муҳокамаларда кечиктириб бўлмас тадбирларни амалга ошириш бўйича вазифалар белгилаб берилмоқда.

Бугун ҳам шу мақсадда Сурхондарё вилояти ҳокими Улуғбек Қосимов Қизириқ ва Бандиҳон туманларига ташриф буюрди. Дастреб, Қизириқ тумани “Оқжар” ҳудудида “Surxon cotton textile cluster” МЧЖнинг Ашурев Абдиқодир оиласи пудрат даласида сектор раҳбарлари, соҳа мутасаддилари ва оиласи пудратчилар билан ғалла ҳамда ғўза парвариши борасида вилоят ишчи гуруҳининг ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.



Айрим далаларда ишлар талаб даражасида ташкил этилмаганлиги, об-ҳавонинг нисбатан ноқулай келиши муносабати билан етарли чора-тадбирлар ҳамда агротехник ишловлар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги танқид қилинди ҳамда йўл қўйилган камчиликлар кўрсатиб ўтилди.

Туманда 2024 йил ҳосили учун 7 286 гектар майдонга чигит, 10 190 гектарга ғалла экилгани, белгиланган маррани забт этиш учун ҳозирдан ҳаракат қилиш лозимлиги қайд этилди.



Кейинги муҳокама Бандиҳон тумани “Йўлчи юлдуз” ҳудудидаги “Сурхон гранд фруитс” МЧЖнинг пахта даласида ўтказилди. Вилоят раҳбари ўрганиш натижаларини муҳокама қиласида қилинган, буғунги ҳаракатимиз эртанги хирмонимизни белгилаб беришини таъкидлади. Ўрганиш натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш, агротехник тадбирларни муддатида ва сифатли амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Бандиҳон туманида 2024 йил ҳосили учун 3 692 гектар майдонда чигит, 4 688 гектарда ғалла уруғлари экилган.